

## МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИШДАН ЖАБР КЎРГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТУВЧИ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

**Каримбердиев Темур Шухратович**  
ИИВ Академияси 3-ўқув курси 307-гуруҳ курсанти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф мамлакатимиздагит зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларга ёрдам кўрсатувчи норматив ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг вазифаларини, адабиётларда мавзуга оид келтирилган жумлаларни кўрсатиб ўтиб мавзунини илмий таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** моддий зарар, маънавий зиён, зўрлик ишлатиш, виктим, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

### АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор провел научный анализ темы, показав нормативно-правовые документы и их задачи, помогающие женщинам, пострадавшим от насилия в нашей стране, а также предложения, относящиеся к теме в литературе.

**Ключевые слова:** материальный ущерб, моральный вред, насилие, потерпевший, правонарушение, профилактика правонарушений.

### ANNOTATION

Through this article, the author scientifically analyzed the topic by showing the normative legal documents and their tasks that help women who have suffered from violence in our country, as well as sentences related to the topic in the literature.

**Key words:** material damage, moral damage, violence, victim, offense, prevention of offenses.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослашган муассасаларга жойлаштириш учун қуйида келтирилган нормативий ҳуқуқий хужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5116-сонли Қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази Васийлик кенгашининг “Зўрлик

ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази”ни тугатилиб унинг негизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида “Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази” ва унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этилиб, ушбу марказнинг асосий вазифалари ва жойлаштириш тартиблари белгилаб берилди;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 5020-сонли Қарори билан мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, жойларда “Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 октябрьдаги “ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 624-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириши белгилаб берилган.

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 октябрьдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғриси”ги 625-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5116-сон қарорига мувофиқ:

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ва жойларда 28 та ҳудудий ҳамда туманлараро намунали марказлар ташкил этилганлиги;

Республика маркази ва ҳудудий марказларга зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин қизларнинг жойлаштирилиши белгиланган.

Бундай чора-тадбирлар мамлакатимизда жабр кўраётган хотин-қизларимизга давлатимиз бефарқ эмаслигини, бу ҳолатларда ижтимоий кўмак берилиши, шунингдек жамиятимизнинг бундай ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабат билдиришлари каби қарши кураш олиб боришида намоён бўлади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Mamarasulov B.Sh. Milliy g'oyaning substansional va institutsional xususiyatlari (O'zbekiston misolida). Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) diss. Avtoreferati. – Samarqand. – 2018. 12 – bet.

2. O'zbek tilining izohli lug'ati. 1 – tom. – M. 1981. 520 – bet.

3. Bobomurodov M. Duronov M. Bunyodkor kuch. “Tafakkur” jurnali. – 2003, - №3.- 17 – bet.

4. Yoqubov S. Axborot jamiyati: xayolot emas, haqiqat. Tafakkur. – 2007,- №4. - 24 – bet.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

6. Ўзбекистон Республикасининг «[Ички ишлар органлари тўғрисида](#)»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 38. – 438-м.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2016 й., 37-сон.